

**“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши**  
**тўғрисида низом<sup>1</sup>**  
**(янги таҳрирда)**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамиятининг (кейинчалик-жамият) Кузатув кенгашини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш меъёрларидан иборат.

1.2. Кузатув кенгаши жамиятнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва жамият устави билан ягона акциядор ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш – бундан мустасно, ижро органи, жамиятнинг ички назорат органи, жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва зарурият туғилганда Жамиятнинг ривожланиш режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва режаларда кўзланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб қилади.

1.3. Мустақил аъзолардан иборат Кузатув кенгашининг сонли таркиби Ягона акциядор томонидан белгиланади.

Кузатув кенгаши таркибига камида битта мустақил аъзо киритилади (унинг уставда назарда тутилган сон таркибининг 15% кам бўлмаган ҳолда).

**II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНING ВАКОЛАТЛАРИ**

2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) Жамият уставининг 10.5 банди а) бандостида кўзда тутилган масалаларни Ягона акциядорга қарор қабул қилиш учун киритиш;
- в) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- г) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш, кейинчалик Ягона акциядор томонидан тасдиқлаш билан. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

---

<sup>1</sup> Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган. Матннинг давлат тилига таржимаси ахборот мақсадлари учун. Агарда ноаниқлик пайдо бўлса, илтимос, Низомнинг асл матнига мурожаат қилинг.

- д) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ҳамда ҳар чорақда унинг ҳисоботларини тинглаб бориш;
- е) жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор бўлган ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- ж) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- з) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- и) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- к) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- л) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- м) қарор қабул қилинаётган санада миқдори жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан то эллик фоизигача бўлган мол мулкни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;
- н) қонунда белгиланган ҳолларда аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш;
- о) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;
- п) Жамият ижро органининг йиллик бизнес режанинг бажарилиши юзасидан ҳар чорақда тинглаб бориш;
- р) Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) ни ошириш, ҳамда жамият уставига Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) ни ошириш билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида масалаларни ҳал қилиш;
- с) акцияларнинг (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига) чиқариш нархини белгилаш;
- т) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- у) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ф) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- х) Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Устав ва амалдаги Қонун асосида киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш;

ц) Кузатув кенгаши мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан), ҳамда видео- конференц- алоқа усули орқали ўтказиш тартиби ва ҳолатларини белгилаш;

ч) тегишли масалалар бўйича, шу жумладан низоли ҳолатларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун кузатув кенгаши, ижро органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлардан иборат комитетлар (ишчи гуруҳлари) ташкил қилиш;

ш) жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида мустақил ташкилотларни жалб этиш;

2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компания бошқарувига берилиши мумкин эмас.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ**

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Ягона акциядор томонидан ушбу Низом ва жамият уставида назарда тутилган тартибда бир йиллик муддатга сайланадилар.

3.2. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар, чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин. Ягона акциядорнинг қарори билан кузатув кенгашининг исталган аъзосининг (барча аъзоларининг) ваколатлари муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

3.3. Жамият бошқаруви аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Ягона акциядор қарори билан белгилаб қўйилади.

Кузатув кенгаш аъзолигига кандидатларга малакавий талаблар, шу жумладан: давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари учун Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг корпоратив бошқарувчи малакавий шаҳодатномасига эга бўлишлик.

3.5. Кузатув кенгашининг аъзоси ўз вазифасидан озод этилиши мумкин.

### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

4.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

4.4. Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

4.5. Кузатув кенгашининг раиси Жамият номидан бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларига имзо қўяди.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ**

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, бошқарув аъзоси талабига кўра чақирилади.

5.2. Кузатув кенгашининг мажлиси камида бир марта ҳар чорақда ўтказилади.

5.3. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Агар, Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони Ягона акциядор қарорида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият Ягона акциядорга кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласида қарор қабул қилиш учун таклиф юбориши лозим. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари Ягона акциядорга шундай қарор қабул қилиш тўғрисида таклиф юборишга ҳамда компания бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.4. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, Қонунда ва жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

5.5. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.6. Жамият кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинаётганда кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи жамият кузатув кенгаши раисида бўлади.

5.7. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.8. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин, ҳамда видео конференц алоқа усули билан ҳам.

5.9. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Ягона акциядорга қарор қабул қилиш учун таклиф киритиш тўғрисида Кузатув кенгаши қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, регламент билан ажратилган вақт доирасида мажлисда муҳокама қилинадиган масала бўйича сўзга чиқиш;

Кузатув кенгашининг қарорига кўра Жамиятнинг маълум давр вақти оралиғидаги фаолияти, унинг ривожланиш режалари ҳақидаги маълумотларини олиш;

Ягона акциядор томонидан тасдиқланган узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегияси асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йиллик давргача) ривожланиш бизнес режаларини тасдиқлаш;

Жамият томонидан қабул қилинган ривожланиш режаларидаги мақсадларга етишишнинг мониторингига ёрдам берувчи сифат ва миқдорий кўрсаткичларни жорий этиш;

Ягона акциядорнинг қарорига асосан, ушбу низомнинг VII бобида кўзда тутилган тартибда Кузатув кенгашида ишлаганлиги учун мукофот пули олиш. Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларини мукофотлашнинг манбаи бўлиб дивидендларни тақсимлангунга қадар компания ихтиёридаги фойда хисобланади.

6.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бир аъзоси учун аниқ вазифалар тақсимланиши кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

6.3. Жамият томонидан битим тузилишига манфаатдор бўлган кузатув кенгашининг аъзоси, ўзининг манфаатдорлигини кузатув кенгашига битим тузилгунга қадар битим тузишда қатнашаётган шахслар, битим предмети, тегишли шартноманинг муҳим шартларини ўз ичига қараб олган мукамал ахборотни ёзма тақдим этиши лозим.

6.4. Кузатув кенгашининг аъзоси жамият томонидан тузиладиган битим тузилишида манфаатдор шахс ҳисобланади, куйидаги ҳолатларда, агар:

Битим тузаётган томоннинг бири бўлса;

Яқин қариндошлари билан ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи ва яқин қариндошлари билан шартнома тузилаётган юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса;

Яқин қариндошлари билан ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи ва шартнома тузилаётган юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса;

6.5. Жамият кузатув кенгаши аффилланган шахс билан тузиладиган битимни жамиятга аффилланган шахсдан ёзма ахборот келиб тушган вақтдан бошлаб 5 кундан кечикмай битим тўғрисида қарор қабул қилади.

6.6. Аффилланган шахс билан битим тузиш тўғрисидаги қарор мажлисда қатнашаётган кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул маъқулланади ёки қонунда кўзда тутилган ҳолатларда Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилинади.

6.7. Ягона акциядорнинг навбатдаги йиллик қарори қабул қилингунгача бўлган давр учун жамият кузатув кенгаши аффилланган шахс билан жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини амалга ошириш юзасидан келажакда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

6.8. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари кузатув кенгашининг қарор қабул қилишига таъсир ўтказганликлари учун бевосита ёки билвосита мукофот олишга ҳақли эмаслар.

6.9. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари жамиятнинг имкониятлари ( мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлари, хўжалик соҳасидаги имкониятлари, жамиятнинг режалари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотларни) шахсий бойиш учун мақсадида фойдаланишга ҳақли эмаслар.

6.10. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилмоқлари лозим.

6.11. Жамият томонидан корпоратив қонунчилик талабларига амал қилиш устидан назорат учун жавобгар шахс бўлган корпоратив ва

мулкий муносабатлар бошқармаси бошлиғи (корпоратив консультант) кузатув кенгашига хисоботдордир.

6.12. Кузатув кенгаши Жамият ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва қонун талабларига мослигини доимий аснода баҳолаш ишларини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

6.13. Кузатув кенгаши ХСМХ га мос йиллик молиявий хисоботни эълон қилишга ўтишдаги мувофиқлаштириш ишларини амалга оширишни таъминлайди.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ**

7.1. Бизнес режада хисобот чораги учун кўзда тутилган соф фойда кўрсаткичларига эришилганда кузатув кенгашининг хар бир аъзосига биринчи, иккинчи ва учинчи чоракларнинг якуни бўйича хар чоракда мукофот пули тўланади. Бизнес режада хисобот йили учун кўзда тутилган соф фойда кўрсаткичларига эришилганда кузатув кенгаши аъзоларига тўртинчи чорак учун мукофот пули тўланади.

7.2. Кузатув кенгаши аъзоларини хар чорак якуни бўйича мукофотлаш корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади. Бунда мукофотлаш пуллари корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш кўрсаткичлари “қониқарли” деб топилгандатўланади.

7.3. Ҳисобот чорагида камида 2 ой ишлаб берган кузатув кенгаши аъзоларига хар бир тегишли чорак учун 50 МИШ миқдориди мукофот пули тўланади.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Кузатув кенгаши аъзолари қонунга биноан жамият олдида жавобгардирлар. Овоз беришда иштирок этмаган ёки Жамиятга зарар етказилишига олиб келган қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликка тортилмайдилар.

8.2. Жамият ёки Ягона акциядор жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.